

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Гулзар Жумамуратова
Тумарис Азизова**

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти
Қорақалпогистон филиали илмий ходималари
Телефон (коды) 91 386-23-70
E-mail: jumamuratova.gulzar@mail.ru

Резюме: Ушбу мақола инсон маънавияти ривожида умуммиллий ва умуминсоний, ҳуқуқий қадриятларни ўрганишнинг усулларига бағишиланган

Резюме: Это статья посвящена изучению методов национальных и общечеловеческих ценностей духовном и правовом развитии человека.

Summary: This article is devoted to the study of methods of national and universal values in the spiritual development of man.

Таянч сўзлар: маънавият, умуминсонийлик, қадриятлар, ҳуқуқий, таълим, тарбия

Ключевые слова: духовность, общечеловечность, ценность, образование, воспитание

Key words: spirituality, common to mankind, value, education, upbringing.

Таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларни моҳияти, унинг миллий истиқлол мафкурасига асосланган, маънавий – аҳлоқий, ҳуқуқий, меҳнат ва шу сингари йуналишлар билан эришиладиган ғояларга мос ҳолда олиб борилиши мақсадга молик масала. Бу муаммоларни амалга ошириш барча таълим муассасалари педагогларининг олдида турган юксак вазифадир. Халқимиз азалдан бола тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган. Болани ҳар томонлама етук шахс этиб, ўз ҳақ ҳуқуқларини билишга ўргатиб борган. Ушбу вазифага кура ҳар бир ўқувчи миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришни, кенг дунёқарашга ҳамда мустақил фикрлашга эга бўлиши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўқув тарбия жараёнида ўрганиб олиши зарурлиги таъқидланган.

Таълим-тарбия олдига қўйилган асосий мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари замерида ташкил этиш ва унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги асосида ёшларни маънавий-аҳлоқий, ҳуқуқий тарбиялашни назарда тутади. Мактабда бошлангич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий тарбиясини шакллантириш учун энг қулай ёш даври ҳисобланади. Болаларга бериладиган дастлабки ҳуқуқий тушунча, кўнишка ва малакалар, ҳуқуқий-аҳлоқий маданиятни

тарбиялаш доирасида ўз ечимини кутаётган педагогик муаммо сифатида ўрганилиши лозим. Шунингдек, бугунги кунга қадар педагогика ва хуқуқшунослик фанлари соҳаларида умумий ўрта таълим соҳаларида, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг хуқуқий маданиятини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқиш давр талабига айланган.

Бошланғич синф ўқувчиларини баркамол инсонлар этиб тарбиялашда миллий ва аҳлоқий қадриятларимизнинг муҳим восита бўла олишини педагогик илмий тажриба йўли билан текшириб қўриш жараёнида ўқувчиларида миллий қадриятлар орқали Ватанга эътиқодни тарбиялашга доир самарали иш усууларини қўллашдир.

Республикамиздаги маънавий-аҳлоқий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда ёшларимизни одоб-аҳлоққа ўргатиш ишлари ўқитувчилар ота-оналар ва кенг жамоатчилигимиз томонидан амалга оширилмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчиси томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- Мактабларда ўрганадиган “Миллий истиқлол ғояси” туркумiga кирувчи фанларидан билим, хуқуқий тарбиялашга асосланган DTS ва ўқув дастурини диққат билан ўрганиб чиқиш;

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчилар онгига миллий ғоя миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ишларин олиб бориш;

- Ўқув дастури, дарслик ва қўлланмалардан миллий истиқлол мафкурасини ғояларини теранг акс эттириш;

- Мактабларда маънавий мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига этказиш;

Ўрганилаётган мавзуга оид қоидани амалий мисоллар билан тушунтириш:

- Қойдаларни инсон, жамият, давлат ҳаётидаги аҳамиятини мисоллар билан очиб бериш;

- Намунавий тестларни. Қўлланилган педагогик технология, унинг самарадорлиги ҳамда такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш. Миллий ва умуминсоний қадриятлардан тарбия жараёнида фойдаланишнинг яна бир жиҳати ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш билан боғлиқ масалалардир. Ҳар бир ўқувчига Ватан туйгусини она заминни севиш ва бундан ғуурланиш туйғуларининг пайдо бўлишига ундейдиган қадриятлардан фойдаланиш таълим ва тарбиянинг ўзвий бирликда олиб борилишидир.

Юқоридаги келтирилган фикрлар ўз навбатида хуқуқий тарбияни дастлабки манбаларини давоми, негизини такомиллашганлиги, инсон хақ-хукуқлари, одоб

нормаларини хуқуқий асосларини ривожлантирилганлигидан далолат бериб, ўз навбатида ота-она, фарзанд, оила тарбияси ва махала, жамият, давлат ҳамқорлигининг хуқуқий асосларини илмий-назарий ва фалсафий негизини асослашга манбаа бўлиб, бугунги кунда инсон хуқуқларини хурмат қилиш, қадр-қимматини улуғлаш, инсонни хуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни таъмин этишга кўмак беради. Бу манбаалар болаларни ёшлигидан бошлаб мактабгача тарбия муассасаси ҳамда бошланғич синфларда хуқуқий билим ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда ҳам мухим манбаа бўлиб кўмак беради. Шу билан бирга хуқуқий тарбияни назарий-илмий педагогик асосини яратиш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчиси учун ўқиши-долзарб фаолият туридир. Шахснинг бир бутунлиги, педагогик жараённинг яхлитлигини хисобга олган холда, аммо хуқуқий тарбия сифатларини таълим, синфдан ва мактабдан ташқари, ижтимоий фойдали фаолиятда шаклланиши ўз ҳусусиятларига эга эканлигини хисобга олиш лозим. Ушбу фаолият турларидан хуқуқий тарбия сифатларининг намоён бўлиши бевосита фаолият мазмунидан келиб чиқишини назарда тутиб, таълим, синфдан ва мактабдан ташқари, ижтимоий фойдали фаолият жараёнларида намоён бўладиган аҳлоқий сифатлар ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўлчаш учун мезонлар тариқасида белгиланади. Шу билан бирга ота-оналарга ҳам фольклор материалларидан маълум билимлар системасини беришни таъминлаш ва улар билан педагогик ҳамқорлик қилиш, бошланғич синф ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни хуқуқий тарбиясини амалга ошириш масаласи бугуннинг долзарб масаласи сифатида қаралиб келинади.

Адабиётлар:

1. Шайхова. X. Назаров.Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. Т., «Ўзбекстон». 1992 Б.116.